

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАВАКАЛОВ ЖОНИБЕК ТАВАКАЛОВИЧ

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 - Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Тавакалов Жонибек Тавакалович

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш..... 3

Тавакалов Жонибек Тавакалович

Совершенствование стратегического механизма управления социально-экономического развития региона 27

Tavakalov Jonibek Tavakalovich

Improving the strategic management mechanism of the socio-economic development of the region 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 56

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАВАКАЛОВ ЖОНИБЕК ТАВАКАЛОВИЧ

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 - Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iqt65 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ражаббаев Шароф Рахимбердиевич
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оponentлар:

Умаров Илхомжон Юлдашевич
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Қодиров Абдурашид Мажидович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.I.60.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй, Тел./ факс: 0 (374) 223 88 30, email: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй, Тел./ факс: 0 (374) 223 88 30).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2022 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.И.Мараимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Қ.Муфтайдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши, иккинчи томондан ностандарт ижтимоий-иқтисодий ҳолатларнинг юзага келиши оқибатида ҳудудий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш зарурати ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарувини қўллаш ва унинг имкониятларини кенгайтиришни талаб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ташкилотларининг маълумотларига кўра, глобал ўсиш 2021 йилдаги 5,9 дан 2022 йилда 4,4 фоизгача, жумладан, ривожланган мамлакатларда 5,0 дан 3,9 фоизгача, бозор муносабатлари шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда 6,5 дан 4,8 фоизгача ўзгариши кутилмоқда¹. Шунингдек, аҳоли жон бошига даромадлар бўйича дунё мамлакатлари ҳудудлари ўртасидаги тафовут 1980 йиллардан бошлаб кескин ошиб бориб, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда 1,7 мартани, ривожланаётган мамлакатларда эса 3,2 мартани ташкил этмоқда². Шу жиҳатдан бугунги кунда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизми долзарб муаммоларга айланиб бормоқда.

Дунёда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштиришда ҳудудларни стратегик бошқарувини ривожланиш босқичлари, узоқ истиқболдаги стратегик мақсадлари, бандликни таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ этиш йўналишидаги илмий тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув тизимини шакллантиришнинг инновацион механизмини, узоқ муддатли истиқболдаги йўналиш-ларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш, унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни минтақалар барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, ҳудуднинг рейтинг даражаси негизида аниқлаштириш ҳамда ҳудудларнинг қиёсий устунликларини баҳолашни услубий жиҳатларини такомиллаштириш каби йўналишларда устувор даражада тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишда миллий ва жаҳон бозорларида рақобатбардошликни ошириш, ишлаб чиқаришнинг инновацион асосларини мустаҳкамлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини кенгайтириб борган ҳолда қўшилган қийматни кўпайтириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, “иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар

¹<https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/01/25/world-economic-outlook-update-january-2022>

² Увеличивающиеся разрывы: региональное неравенство в странах с развитой экономикой. Международный валютный фонд, 2019. <https://www.imf.org/ru/News/Articles/2019/10/09/blog-widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies>

ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “дарамеди ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш. Шу сабабли ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш, 14 та ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесмида ишлаб чиқилган беш йиллик ҳудудий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари “қониқарсиз” бўлган шаҳар ва туманлар бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш³” устувор мақсалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Бу борада ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий бошқаруви самарадорлигини баҳолаш услубиёти, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий бошқарув стратегияси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илмий лойиҳаларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши рақобатбардошлик даражасини ошириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармони, 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3182-сон, 2019 йил 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4102-сон, 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” ПҚ-4702-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” 940-сон қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмининг турли жиҳатларини ўз вақтида D.Diskiene, V.Galiniene, T.Pablo, R.Vicente, R.Ramiro,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йиларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.

В.У.Нео, W.H.Нео, W.Dilla, N.Dalevska, M.L.Tseng, P.A.Tan, Т.А.Khudyakova, A.V.Shmidt каби хорижлик олимлар томонидан ўрганилган⁴.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмининг умумий муаммолари бўйича МДХ олимларидан⁵ Г. Кокинс, В.Д. Маркова, Н.К. Швецова, В.А. Баринов, С.Г. Калилин, В.К. Трибушная, А. Изотов, О. Ростова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда Х.С. Асадов, М.Д. Абдурахимов, Г.А. Алиева, Н.Р. Рахмонов, Д.С. Алматова, Г.Р. Хидирова С.А. Саттаров Б.Б. Валиев⁶ каби олимлар худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизми бўйича умумий жиҳатларини кўриб чиққан. Лекин чуқур ва комплекс ҳолатда янги ўзгаришлар асосида етарлича тадқиқ этилмаган. Бу эса мазкур тадқиқот ишини янада долзарблигини белгилаб беради.

Мавзу бўйича бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ

⁴ Danuta Diskiene, Birute Galiniene & Albinas Marčinskis A strategic management model for economic development. Technological and economic development of economy Baltic Journal on Sustainability, 2008. 14(3): 375-387 p; Pablo, T.; Vicente, R.; Ramiro, R. Sustainability Assessment of an Integrated Economic-Ecologic-Social Model under Time-Dependent Uncertainties. In Proceedings of the 27th European Symposium on Computer-Aided Process Engineering (ESCAPE), Barcelona, Spain, 1–5 October 2017; Volume 40A, pp. 577–582.; Нео, В.У.; Нео, W.H. Economic analysis of disaster management investment effectiveness in Korea. Sustainability 2019, 11, 3011.; Dilla, W.; Janvrin, D.; Perkins, J.; Raschke, J. Investor views, investment screen use, and socially responsible investment behavior. Sustain. Account. Manag. Policy J. 2016, 7, 246–267.; Dalevska, N.; Khobta, V.; Kwilinski, A.; Kravchenko, S. A model for estimating social and economic indicators of sustainable development. Entrep. Sustain. Issues 2019, 6, 1839–1860.; Tseng, M.L.; Tan, P.A.; Jeng, S.Y.; Negash, Y.T.; Darsono, S.N. Sustainable investment: Interrelated among corporate governance, economic performance and market risks using investor preference approach. Sustainability 2019, 11, 2108.; Khudyakova, T.A.; Shmidt, A.V. Methodological approach to forecasting financial and economic enterprise stability. In Proceedings of the 26th International Business Information Management Association Conference 2015, Madrid, Spain, 11–12 November 2015; pp. 1612–1616.

⁵ Kokins, G. Performance Management: How to Bridge the Gap Between the Declared Strategy and Real Processes; Alpina Business Books: Moscow, Russia, 2007.; Markova, V.D. Strategic Management; INFRA-M: Moscow, Russia, 2012.; Shvetsova, N.K. Methodological approaches to the management of financial stability of the enterprise in the financial crisis. Bull. Chuvash Univ. 2014, 1, 285–293.; Barinov, V.A. Strategic Management; INFRA-M: Moscow, Russia, 2014.; Kalinin, S.G.; Tribushnaya, V.K. Strategic Management Focused on the Development of Industrial Enterprises; Publishing House of the Institute of Economics Uro RAS: Ekaterinburg/Izhevsk, Russia, 2011.; Izotov, A.; Rostova, O. Development of a system of sectoral investment priorities. In Proceedings of the International-Business-Information-Management-Association Conference Sustainable Economic Growth, Education Excellence, and Innovation Management Through Vision 2020, Milan, Italy, 4–5 May 2016; Volume I–VII, pp. 1812–1821.

⁶ Асадов Х.С. Минтакалар иқтисодий ривожланишини баҳолаш ва прогнозлаш услубини такомиллаштириш: иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2021й., 58 б.; Абдурахимов М.Д. Стратегик менежмент усуллари асосида миллий архив ишини бошқаришни такомиллаштириш: иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2019 й., 55 б.; Рахмонов Н.Р. Минтакавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асосида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш: иқт.фан.докт автореф. Т.-2019 й., 82 б.; Алматова Д.С. Минтакаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш: иқт.фан. докт автореф. Т.-2018 й., 76 б.; Валиев Б.Б. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш: иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2017 й., 46 б.; Алиева Г.А. Ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида) : иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2020 й., 55 б.; Саттаров С.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқариш самарадорлигини ошириш: иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2019 й., 62 б.; Хидирова Г.Р. Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмини такомиллаштириш: иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2019 й., 48 б.

Ф2021-328 “Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг инновацион-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш” мавзуидаги фундаментал тадқиқотлар (2021-2023 йиллар) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришга бағишланган назарий қарашлар эволюциясини очиб бериш;

ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий бошқаруви самарадорлигини баҳолаш жиҳатлари ҳамда хориж тажрибаларни тадқиқ этиш;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бошқаришни рейтингини иқтисодий ривожланиш, меҳнат бозори, ижтимоий соҳа, инфратузилмани, ишбилармонлик муҳити, банк молия ва фуқаролар мурожаатларини самарадорлигини индикатор ва субиндикатор кўрсаткичлари асосида ҳудудларни рейтингини ишлаб чиқиш;

кўп омилли эконометрик моделларни қўллаш ҳисобига Қашқадарё вилоятини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмидаги ҳудудий саноат маҳсулотлари, истеъмол нархлари индекси, саноатнинг ЯХМдаги улуши, хизматлар, чакана товар айланмаси, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, ҳудудий экспорт каби омилларини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларини асослаш;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий бошқаруви самарадорлигини оширишда ишлаб чиқиладиган дастурларни ҳудудий рақобатбардошлик кўрсаткичи орқали баҳолашни такомиллаштириш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий бошқарув самарадорлиги экотизимини шакллантиришнинг инновацион механизмини жорий этиш таклифини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий бошқарув фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида илмий мушоҳада, таҳлил ва синтез, таққослаш, эксперт баҳолаш усули, тизимли таҳлил, эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш методикаси ҳудудий бандлик ва ижтимоий соҳа хизматлари, инфратузилма, ишбилармонлик, молиявий мустақиллик ва ҳудудий бошқарув самарадорлиги каби кўрсаткичларга устуворлик берган ҳолда ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқарув самарадорлигини “мутлоқ юқори” [0,6;1,0], “юқори” [1,01-1,30], “ўрта” [1,31-1,60], “паст” [1,61-1,70]

ҳамда “энг паст” [1,71-2,0] даражаларга табақалаштирилган ҳолда такомиллаштирилган;

минтақа илмий салоҳияти ва ишлаб чиқаришнинг илмий-инновацион асосини мустаҳкамлаш негизида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илмий лойиҳаларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳисобига яратиладиган қўшилган қийматга таъсири орқали иқтисодиёт тармоқларида ялпи қўшилган қийматнинг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилган;

бакалаврият таълими доирасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимига “инновацион менежмент” йўналишини киритган ҳолда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши рақобатбардошлик даражаси ва бошқарув самарадорлигини ошириш асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришга бағишланган назарий қарашлар эволюцияси очиб берилган ҳамда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий бошқаруви самарадорлигини баҳолаш жиҳатлари ҳамда хориж тажрибалар тадқиқ этилган;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бошқаришни рейтингини иқтисодий ривожланиш, меҳнат бозори, ижтимоий соҳа, инфратузилмани, ишбилармонлик муҳити, банк молия ва фуқаролар мурожаатларини самарадорлигини индикатор ва субиндикатор кўрсаткичлари асосида ҳудудларни рейтинги ишлаб чиқилган;

кўп омилли эконометрик моделларни қўллаш ҳисобига Қашқадарё вилоятини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмидаги ҳудудий саноат маҳсулотлари, истеъмол нархлари индекси, саноатнинг ЯҲМдаги улуши, хизматлар, чакана товар айланмаси, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, ҳудудий экспорт каби омилларини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлари асосланган;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий бошқаруви самарадорлигини оширишда ишлаб чиқиладиган дастурларни ҳудудий рақобатбардошлик кўрсаткичи орқали баҳолаш такомиллаштирилган;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий бошқарув самарадорлиги экотизимини шакллантиришнинг инновацион механизминини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув, усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ахборот базасининг расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш, улардан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий бошқарувининг ривожланишини баҳолашда уларнинг бошқаруви самарадорлиги таҳлилини амалга оширишга бағишланган махсус илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш, унинг услубий жиҳатларини ҳамда ҳудудий бошқарув тизимига амал қилишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Диссертациянинг назарий ва амалий таҳлилий материалларидан ОТМда “Ҳудудлар иқтисодиёти ва менежменти”, “Стратегик менежмент” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш методикаси ҳудудий бандлик ва ижтимоий соҳа хизматлари, инфратузилма, ишбилармонлик, молиявий мустақиллик ва ҳудудий бошқарув самарадорлиги каби кўрсаткичларга устуворлик берган ҳолда ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқарув самарадорлигини “мутлоқ юқори” [0,6;1,0], “юқори” [1,01-1,30], “ўрта” [1,31-1,60], “паст” [1,61-1,70] ҳамда “энг паст” [1,71-2,0] даражаларга табақалаштирилган ҳолда такомиллаштирилган таклифидан Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 декабрдаги 08/1-1080-сонли маълумотномаси). Натижада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва бошқарув самарадорлиги даражалари паст ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган бошқарув қарорлари ва мақсадли дастурларини оширишга хизмат қилади.

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илмий лойиҳаларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асослаб берилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан фойдаланилган. (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 02-01/7447-сонли маълумотномаси). Натижада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағлар яратилиши ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 1 фоизга ошиши хизматлар ҳажмини 0,267 фоизга, чакана товарлар айланмаси ҳажмини 0,085 фоизга, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 0,497 фоизга, ҳудудий экспорт ҳажмини 0,859 фоизга ортишига хизмат қилган.

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажмини ортишини яратилдиган кўшилган қийматга таъсири орқали иқтисодиёт тармоқларида ялпи кўшилган қийматнинг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 декабрдаги 08/1-1080-сон маълумотномаси). Натижада ушбу худудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инновацион фаолият инфратузилма объектлари сонини 2023 йилда 45 тага, 2025 йилда 65 тага, 2030 йилда 85 тага етказишга эришилади.

бакалаврият таълими доирасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимига “инновацион менежмент” йўналишини киритган ҳолда худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши рақобатбардошлик даражаси ва бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича асослаб берилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан фойдаланилган. (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 02-01/7447-сонли маълумотномаси). Натижада узоқ муддатли истиқболда мамлакат ва унинг худудлари бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичининг барқарор ривожланиб боришини таъминлаш учун имкониятлар 12 фоизга ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 2 та халқаро, 3 та республика илмий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 35 та илмий иш, шу жумладан, 3 та ўқув қўлланма, 2 та монография, ОАК рўйхатига кирувчи журналларда 10 та, хорижий журналда 3 та илмий мақола ҳамда 7 та халқаро ва 10 та тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Худудлар стратегик бошқарувини ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришга

бағишланган назарий қарашлар эволюцияси, бошқаруви самарадорлигини баҳолаш услубиётини таҳлили ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқаришнинг хорижий мамлакатлар амалиёти тадқиқ этилган.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида стратегик бошқарув тизимини устувор йўналишларини қайта кўриб чиқишни, уларни таркибини ташқи омиллар таъсири билан боғлиқлигини, давлат ролининг таъсирини ортиб бораётганлигини ҳисобини юритишни ҳамда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувини объектив иқтисодий жараён сифатида ҳисобга олиш зарур ҳисобланади⁷. Стратегик бошқарувда ушбу методикадан фойдаланиш асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантириш зарурдир.

Бизнинг фикримизча, “Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш” атамасига қуйидаги таърифни бериш мумкин: ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш – бу тўғри ижтимоий-иқтисодий стратегия ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган, шунингдек, барча жабҳаларда марказлашмаган тизим ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тамойилларига мувофиқ иш юритувчи бошқарув ташкилотларини шакллантиришга қаратилган фаолият йўналиши ҳисобланади.

Стратегик мақсадни белгилаш кўп босқичли жараён бўлиб, унда ҳудудларни мақсадларини белгилаш даражаларини кўриб чиқиш зарур бўлади. Ҳудудларда мақсадларни белгилаб олиш даражаларини таснифланиши 1-расмда кўриш мумкин. Ушбу мақсадларни ишлаб чиқиш даражаларини ўзларининг мақсадлари бўлиши керак, жумладан:



1-расм. Ҳудудларда мақсадларни белгилаб олиш даражаларини таснифланиши⁸

Олий мақсадлар – бу энг юқори мақсад бўлиб, у принципиал жиҳатдан эришиб бўлмайдиган мақсад бўлиши керак, аммо ҳудуднинг асосий миссиясидан келиб чиққан объектив ҳақиқат бўлиши зарур. Макро даража эса мақсаднинг умумий натижаси бўлади ва умуман олганда ҳудуд мамлакатнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Стратегик ниятлар – ўзлари ишлаб чиққан стратегик мақсадларига эришиш учун ўз потенциал салоҳияти бўлиб, келажакда ҳудудлар ўз мақсадларига эришиш учун қандай мезонлар ва қанча вақтда бажара олишини кўриниши ҳисобланади. Стратегик мақсадлар одатда стратегик

⁷ Ветер А. Формировать механизм стратегического управления / А.Ветер, В. Семидской // Экономика сельского хозяйства. – 2009. – №9. – С. 16–23.

⁸ Муаллиф ишланмаси

қарашларда намоён бўлади. Мезо даража – ҳудудни ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида қаралиб, асосий мақсадларга тор ихтисосликларга асосланган ҳолда эришишида намоён бўлади.


Стратегик мақсадлар – аниқ белгиланган муддатлар ва мезонлар билан ҳудудларнинг ўзига хос ютуқларини тавсифлайди. Микро даражалар – ҳудудларнинг белгилаб олган турли мақсадлари учун йирик ишлаб чиқариш корхоналарини, бизнес тузилмаларни, тармоқларни шакллантиради.

Вазифалар – ушбу ҳолатда стратегик вазифаларни ташкил этиб, улар белгилаб олинган мақсадларга эришиш учун кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар ва операциялар ҳисобланади. Нано даража – аҳолининг ва ҳар бир ишчининг якуний меҳнат стандарти бўлиши зарур бўлади.

Олиб борилган изланишлар натижасида айтиш жоизки, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури қуйидаги иккита асосий блоклардан иборат бўлиши керак:

- ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг узоқ истиқболдаги стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари (15-20 йилга);
- мамлакат ҳукумати томонидан мақсадли ҳудудий дастур кўринишида тасдиқланадиган ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг навбатдаги режа даврига (5 йил) мўлжалланган дастур.

Юқорида амалга оширган тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудларни стратегик бошқарувини ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин (2-расм).



2-расм. Ҳудудларни стратегик бошқарувини ривожланиш босқичлари⁹

Олиб борилган тадқиқот натижаларимиздан келиб чиқиб жаҳондаги мавжуд индикатив методологияларни таҳлил этиш асосида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини иқтисодий баҳолашни амалга оширишда қуйидаги камчиликларни мавжудлиги аниқланган.

- ижтимоий иқтисодий соҳаларни ривожлантириш кўрсаткичларнинг муайян муаммоли “нуқталарни” йўқлиги нормал ёки беқарор кўрсаткичлар қийматлари интервалларининг йўқлиги;

- ҳудудлардаги ижтимоий ёки иқтисодий соҳаларда бўлган қисман ўзгаришлар ҳам, аниқ бир танланган ҳудуднинг ривожланишидаги ҳиссаси


⁹ Муаллиф ишланмаси

юқорида, олинган маълумотларни аниқлигини камайтиришга таъсир кўрсатиши;

- жаҳондаги баҳолаш усуллари ҳудудлардаги саноат ва хизмат кўрсатишга йўналтирилганлик хусусиятларини ҳисобга олмайди ва бошқалар.

Диссертация ишининг иккинчи боби “Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати” деб номланади ҳамда ушбу бобда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий бошқарувини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий ҳолати, Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий бошқарувининг ривожланиш тенденциялари, бошқарув механизми самарадорлигини баҳолашнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг таъкидлашича, ҳудудий бошқарув тизими – бу мураккаб таркибий қисмлар йиғиндиси бўлиб, бошқарув органлари, мақсадли стратегиялар, тамойиллар, вазифалар, структуралар, ресурслар, услуб ва усуллар, ҳудудий хўжаликда интеграцион яхлитликни ҳосил қилувчи ҳамда унга таъсир этиш механизмларини юзага келтирувчи бири бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган техника ва технологиялар, ҳудудни салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, аҳолини турмуш фаровонлик даражаси, уй хўжалиги ва корхоналарни ўз ичига олади.



3-расм. Ҳудудлардаги инновацион лойиҳаларни молиялаштириш модели¹⁰

Ушбу таърифдан ҳудудий бошқарув тизими юқорида айтилган барча асосий элементлар воситасида бошқарув механизмларини: бошқарув органлари фаолиятини, бошқаруving мақсадли кўрсатмалари, принциплари, функциялари, тузилмалари, ресурслари, методлари, технологиялари ва асбобларини юзага келтириши келиб чиқади.

Маълумки, қарор қабул қилувчи шахс (ҚҚҚШ) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларида қарор қабул қилишда ЯХМ ўсиш

¹⁰ Муаллиф ишланмаси

динамикасига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган омилларга, шу жумладан, ҳудудларнинг инновацион фаолияти кўрсаткичларига алоҳида эътибор беради. Бунинг сабаби шундаки, минтақаларнинг инновацион фаолиятининг асосий кўрсаткичлари макроиктисодий кўрсаткичлар – ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам ҳудудлардаги инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда ҳудудлар манфаатларидан келиб чиқиб маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган ёки бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳудуднинг барча аҳолиси томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат йиғиндисини акс эттиради (*маҳсулотларга соф солиқларни ҳисобга олмаганда*).

1-жадвал

2016-2020 йилларда аҳоли бандлик даражаси (фоиз ҳисобида)¹¹

Вилоятлар	2016	Р/К	2017	Р/К	2018	Р/К	2019	Р/К	2020	Р/К
Андижон вилоят	72,3	5	73,0	3	69,6	5	70,2	3	67,1	5
Бухоро вилоят	72,9	3	72,5	4	70,7	3	69,3	5	67,8	3
Жиззах вилоят	59,1	13	60,0	13	61,6	14	67,2	9	66,0	6
Қашқадарё вилоят	64,3	11	65,4	11	64,8	10	64,1	13	61,5	13
Қорақалпоғистон Республикаси	58,1	14	58,3	14	62,9	13	63,0	14	61,3	14
Навоий вилоят	72,8	4	72,4	5	69,2	6	69,5	4	67,6	4
Наманган вилоят	61,9	12	63,4	12	63,8	12	66,5	10	64,4	9
Самарқанд вилоят	68,7	8	69,7	8	66,3	7	65,4	12	62,8	12
Сирдарё вилоят	71,7	6	71,1	6	70,5	4	69,0	6	65,0	7
Сурхондарё вилоят	65,4	10	66,6	10	65,2	9	67,2	8	63,6	10
Тошкент вилоят	75,4	2	75,2	2	71,4	2	71,5	2	69,0	2
Тошкент шаҳар	81,0	1	80,8	1	77,5	1	80,5	1	83,2	1
Фарғона вилоят	69,6	7	69,9	7	66,0	8	67,6	7	64,6	8
Хоразм вилоят	66,3	9	66,9	9	64,6	11	66,2	11	63,5	11
Ўзбекистон Республикаси	68,7		69,2		67,4		68,3		66,1	

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, республика ҳудудларининг ЯҲМдаги инновацион тармоқларнинг улуши 2 фоиздан ошмайди, бу ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан анча паст. Республикада инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, улар юқори технологияли корхоналар сонининг кескин кўпайиши учун етарли эмас.

2016-2020 йилларда аҳоли бандлик даражаси (фоиз ҳисобида) сезиларли ўзгаришларга эга бўлган. Жумладан, энг юқори бандлик даражаси

¹¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

таъминланган ҳудуд Тошкент шаҳри 83,2 фоиз, Тошкент вилояти 69,0 фоиз, Бухоро вилояти 67,8 фоизни ташкил этган. Энг паст аҳоли бандлик даражаси таъминланган ҳудудлар эса қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси 61,3 фоиз, Қашқадарё вилоят 61,5 фоиз бўлган (1-жадвал).

Муаллиф фикрича, Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашда уларнинг бошқаруви самарадорлиги таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашни рейтинг кўрсаткичларини 8 та индикатор ва 20 субиндикатор бўйича баҳоладик (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими мезонлари бўйича кўрсаткичлари¹², (2020 йил якунларига кўра)

Рейтинг мезонлари (i)		Худудлар (j)														
		Андижон вилояти K ₁	Бухоро вилояти K ₂	Фарғона вилояти K ₃	Жиззах вилояти K ₄	Хоразм вилояти K ₅	Наманган вилояти K ₆	Навоний вилояти K ₇	Қашқадарё вилояти K ₈	Қорақалпоғистон Республикаси K ₉	Самарқанд вилояти K ₁₀	Сирдарё вилояти K ₁₁	Сурхондарё вилояти K ₁₂	Тошкент вилояти K ₁₃	Тошкент шаҳри K ₁₄	max микдор K _j
1. Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичлари		15														
1	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)	3	4	2	3	3	1	5	2	3	2	4	1	4	5	5
2	Истеъмол нархлари индекси	5	4	4	4	4	3	5	4	3	5	3	3	5	5	5
3	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳудудий экспорт ҳажми	4	3	4	1	2	4	4	3	4	4	2	3	5	5	5
2. Меҳнат бозорининг самарадорлиги кўрсаткичлари		15														
4	Аҳоли бандлиги даражаси	4	4	3	4	3	3	4	2	2	3	4	3	5	5	5
5	Меҳнат унумдорлиги	5	4	5	4	3	3	5	5	4	3	4	3	4	4	5
6	Камбағаллик даражаси	5	4	4	4	4	4	4	4	3	5	3	3	4	5	5
3. Ижтимоий соҳа хизматларининг ҳаммабплиги ва сифати кўрсаткичлари		20														
7	Мақтабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси	4	3	4	4	4	5	5	4	3	5	4	3	4	5	5
8	Умумтаълим мактабларининг юкламаси (смена)	4	4	4	3	3	5	5	3	3	4	3	3	4	5	5
9	Оналар ўлими	2	3	3	4	3	2	4	2	3	3	5	3	3	3	5
10	Болалар ўлими	2	3	3	4	3	2	4	2	3	3	5	3	2	2	5
4. Инфратузилманинг ривожланиши ва ҳаммабплиги кўрсаткичлари		5														
11	Аҳолининг тоза ичимлик	5	4	4	4	3	3	4	4	3	5	3	4	5	5	5

¹² Саноат корхоналари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

Рейтинг мезонлари (i)	Худудлар (j)	Худудлар (j)														
		Андижон вилояти k_{i1}	Бухоро вилояти k_{i2}	Фарғона вилояти k_{i3}	Жиззах вилояти k_{i4}	Хоразм вилояти k_{i5}	Наманган вилояти k_{i6}	Навий вилояти k_{i7}	Қашқадарё вилояти k_{i8}	Қорақалпоғистон Республикаси k_{i9}	Самарқанд вилояти k_{i10}	Сирдарё вилояти k_{i11}	Сурхондарё вилояти k_{i12}	Тошкент вилояти k_{i13}	Тошкент шаҳри k_{i14}	max микдор k_{ij}
	сув билан таъминланганлиги															
5. Иқтисодийнинг рақобатбардошлиги ва диверсификацияси кўрсаткичлари																10
12	Саноат ишлаб чиқаришининг экспортга йўналтирилганлиги	4	4	4	4	3	3	4	3	3	5	3	4	5	5	5
13	Қишлоқ хўжалигида сувни тежаш технологияларини жорий этиш даражаси	4	3	4	4	3	4	4	3	3	5	3	4	3	3	5
6. Ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни ривожлантириш сифат кўрсаткичлари																10
14	Тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги	5	4	5	4	4	4	5	5	4	3	3	3	5	5	5
15	Кичик бизнесда янги иш ўринларини яратиш	4	3	5	5	4	3	5	5	3	4	3	4	4	4	5
7. Банк-молия соҳасининг молиявий мустақиллиги ва ривожланиш кўрсаткичлари																15
16	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳаллий бюджет даромадлари	5	4	5	4	4	4	5	5	4	3	3	3	5	5	5
17	Ҳисобланган солиқ тўловларини йиғиш даражаси	4	3	5	5	4	3	5	5	3	4	3	4	4	4	5
18	Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг улуши	3	3	3	3	2	3	3	4	2	3	3	3	4	4	5
8. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлиги кўрсаткичлари																10
19	Такрорий мурожаатлар сони	3	2	3	4	2	3	4	4	1	2	3	3	3	3	5
20	Қаноатлантирилган мурожаатлар улуши	3	2	3	3	3	3	4	4	3	3	3	3	3	4	5

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, жадвалдаги ҳар бир мезон бўйича қўйилган балларнинг энг каттасини (max) эталон сифатида белгилаб оламиз ва (2) ифодага мувофиқ x_{ij} ни ҳисоблаймиз.

i -рейтинг мезони кўрсаткичлари сони;

j - республикадаги худудлар сони.

k_{i1} дан k_{i14} гача мезонлар бўйича баҳолари аниқланган.

Ўзбекистон худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими мезонлари асосида худудлар кесимида стандартлаштирилган рейтинг кўрсаткичларини 3-жадвал орқали матрицаси ишлаб чиқилган.

**Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини
рейтинг коэффициентлари¹³**

<i>I</i>	x_{ij}	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Фарғона вилояти	Жиззах вилояти	Хоразм вилояти	Наманган вилояти	Навобий вилояти	Қашқадарё вилояти	Қорақолғоғистон Республикаси	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри	<i>max</i> коэффициент
1. Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичлари																
1	x_{1j}	0,6	0,8	0,4	0,6	0,6	0,2	1	0,4	0,6	0,4	0,8	0,2	0,8	1	1
2	x_{2j}	1	0,8	0,8	0,8	0,8	0,6	1	0,8	0,6	1	0,6	0,6	1	1	1
3	x_{3j}	0,8	0,6	0,8	0,2	0,4	0,8	0,8	0,6	0,8	0,8	0,4	0,6	1	1	1
2. Меҳнат бозорининг самарадорлиги кўрсаткичлари																
4	x_{4j}	0,8	0,8	0,6	0,8	0,6	0,6	0,8	0,4	0,4	0,6	0,8	0,6	1	1	1
5	x_{5j}	1	0,8	1	0,8	0,6	0,6	1	1	0,8	0,6	0,8	0,6	0,8	0,8	1
6	x_{6j}	1	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,6	1	0,6	0,6	0,8	1	1
3. Ижтимоий соҳа хизматларининг ҳаммабплиги ва сифати кўрсаткичлари																
7	x_{7j}	0,8	0,6	0,8	0,8	0,8	1	1	0,8	0,6	1	0,8	0,6	0,8	1	1
8	x_{8j}	0,8	0,8	0,8	0,6	0,6	1	1	0,6	0,6	0,8	0,6	0,6	0,8	1	1
9	x_{9j}	0,4	0,6	0,2	0,8	0,6	0,4	0,8	0,4	0,6	0,2	1	0,6	0,2	0,2	1
10	x_{10j}	0,4	0,6	0,2	0,8	0,6	0,4	0,8	0,4	0,6	0,2	1	0,6	0,4	0,4	1
4. Инфратузилманинг ривожланиши ва ҳаммабплиги кўрсаткичлари																
11	x_{11j}	1	0,8	0,8	0,8	0,6	0,6	0,8	0,8	0,6	1	1	0,8	1	1	1
5. Иқтисодий рақобатбардошлиги ва диверсификацияси кўрсаткичлари																
12	x_{12j}	0,8	0,8	0,8	0,8	0,6	0,6	0,8	0,6	0,6	1	0,6	0,8	1	1	1
13	x_{13j}	0,8	0,6	0,8	0,8	0,6	0,8	0,8	0,6	0,6	1	0,6	0,8	0,6	0,6	1
6. Ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни ривожлантириш сифат кўрсаткичлари																
14	x_{14j}	1	0,8	1	0,8	0,8	0,8	1	1	0,8	0,6	0,6	0,6	1	1	1
15	x_{15j}	0,8	0,6	1	1	0,8	0,6	1	1	0,6	0,8	0,6	0,8	0,8	0,8	1
7. Банк-молия соҳасининг молиявий мустақиллиги ва ривожланиш кўрсаткичлари																
16	x_{16j}	1	0,8	1	0,8	0,8	0,8	1	1	0,8	0,6	0,6	0,6	1	1	1
17	x_{17j}	0,8	0,6	1	1	0,8	0,6	1	1	0,6	0,8	0,6	0,8	0,8	0,8	1
18	x_{18j}	0,6	0,6	0,6	0,6	0,4	0,6	0,6	0,8	0,4	0,6	0,6	0,6	0,8	0,8	1
8. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиклиги кўрсаткичлари																
19	x_{19j}	0,6	0,4	0,6	0,8	0,4	0,6	0,8	0,8	0,2	0,4	0,6	0,6	0,6	0,6	1
20	x_{20j}	0,6	0,4	0,6	0,6	0,6	0,6	0,8	0,8	0,6	0,6	0,6	0,6	0,6	0,8	1

Бунинг учун k_{ij} кўринишдаги матрица формуласидан фойдаланилади:

$$x_{ij} = \frac{k_{ij}}{\max k_{ij}} \quad (1)$$

Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолаш кўрсаткичлари 14 ҳудуд бўйича 8 та индикатор ва 20 субиндикатордан фойдаланган ҳолда x_{1j} дан x_{20j} гача коэффициентлари аниқланган. Ушбу жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳудудларнинг рейтинг коэффициентларини куйидаги формула орқали аниқлаймиз. Ҳар бир j -ҳудуднинг рейтинг даражаси куйидагича баҳоланади:

¹³ Муаллиф ишланмаси

$$R_j = \sqrt{(1-x_{1j})^2 + (1-x_{2j})^2 + (1-x_{3j})^2 \dots + (1-x_{nj})^2} \quad (2)$$

Бу формуладан фойдаланиб, R_j кўрсаткичи коэффициент ҳолатда аниқланади. Аниқланган коэффициент кўрсаткичлари энг кичик бўлган ҳудуднинг рейтинг баҳоси энг баланд бўлади ёки аксинча бўлса, унда энг паст бўлади. Юқорида ҳисобланган 3-жадвалдаги аниқланган x_{1j} дан x_{20j} гача коэффициентларида ҳудудларни рейтингини аниқлаш услубиётига кўра R_j нинг қиймати аниқланади. Бу кўрсаткичларни (2) формулага қўядиган бўлсак, (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг даражаси кўрсаткичлари¹⁴

Худудлар рейтинг даражаси	Навоий вилояти R7	Тошкент шаҳри R14	Тошкент вилояти R13	Фарғона вилояти R3	Андижон вилояти R1	Жиззах вилояти R4	Самарқанд вилояти R10	Бухоро вилояти R2	Қашқадарё вилояти R8	Сирдарё вилояти R11	Хоразм вилояти R5	Сурхондарё вилояти R12	Наманган вилояти R6	Қорақалпоғистон Республикаси R9
R_j	0,72	1,00	1,08	1,22	1,23	1,28	1,41	1,43	1,52	1,66	1,67	1,71	1,73	1,85
	Мутлоқ юқори	Юқори				Ўртача			Паст		Энг паст			

5-жадвалга эътибор берадиган бўлсак, R_j нинг қиймати $[0;2,0]$ ораликдалиги белгилаб олинган. Чунки $[0,6;1,0]$ ораликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг даражаси мутлоқ юқори, $[1,01-1,30]$ ораликда юқори, $[1,31-1,60]$ ораликда ўртача, $[1,61-1,70]$ ораликда паст, $[1,71-2,0]$ ораликда энг паст даража белгилаб олинган. Шунингдек, R_j ҳудуднинг қиймати энг кичик бўлгани рейтингини энг юқори ҳудуд ҳисобланади. Юқоридаги 4-жадвал маълумотларига қараб Навоий вилояти $R_7=0,72$, Тошкент шаҳри $R_{14}=1,00$ га тенг, буларга асосланиб, рейтинг даражаси мутлоқ юқори вилоятлар Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган.

Рейтинг даражаси юқори бўлган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши Тошкент, Фарғона, Андижон ва Жиззах вилоятларидир. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган рейтинг даражаси ўртача бўлгани Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидан иборат. Рейтинг даражаси паст бўлган ҳудудлар Сирдарё ва Хоразм вилоятларига тўғри келган. Рейтинг даражаси энг паст бўлган ҳудудларга Сурхондарё, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси тўғри келган. Хулоса қиладиган бўлсак, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтингини баҳолашда ҳудудлардаги бандлик ва ижтимоий соҳа хизматлари, инфратузилма,

¹⁴ Муаллиф ишланмаси

ишбилармонлик, молиявий мустақиллик ва ҳудудий бошқарув самарадорлиги каби кўрсаткичларга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳудудлар кесмидаги ҳажмини 2000-2020 йиллардаги ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, 2010 йилда 78936,6 млрд.сўмдан 2020 йилда 602551,4 млрд.сўмга етган. Шунингдек, ушбу давр оралиғида ЯИМ қариб 7,6 баробарга ошганини кўриш мумкин. Ҳудудлар ичида ЯҲМ энг юқори Тошкент шаҳрига тўғри келса, 2010 йилда 10412,0 млрд. сўмни, 2020 йилда эса 97545,2 млрд сўмни ташкил этган. Бу эса ўтган йилларга нисбатан 9,6 баробарга ортган. Шунингдек, энг паст ҳудуд Сирдарё вилояти бўлиб, 2020 йилда 12869, 4 млрд. сўмни ташкил этган. 2020 йилда Навоий (107,1 фоиз) ва Наманган (104,8 фоиз) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. ЯҲМнинг республика даражасига (101,6 фоиз) нисбатан паст ўсиш суръатлари Сирдарё вилоятида (100,1 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (101,5 фоиз) кузатилди¹⁵.

